

---

Сертификатга эга ўқитувчиларга ҳар ой қўшимча устамалар тўланади  
Президент фармони билан 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш  
бўйича миллий дастур тасдиқланди. Бу ҳақда ЎзА [хабар бермоқда](#).

Унга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги  
умумий ўрта таълим муассасаларида:

умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган  
педагог кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама қуйидаги тартибда тўланади:

□ халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга – уларнинг  
тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида;

□ халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган миллий баҳолаш тизимида  
олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга – уларнинг тариф  
ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида. Бунда, миллий баҳолаш тизимининг  
халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши ваколатли халқаро  
ташкilotлар томонидан тасдиқланган бўлиши лозим;

□ халқаро стандартларга жавоб бериши тан олинмаган ДТМнинг миллий баҳолаш  
tizимида олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга – уларнинг тариф  
ставкасига нисбатан 20 фоиз миқдорида (чет тили бўйича сертификатлар бундан  
мустасно);

халқаро стандартларга жавоб бериши тан олинмаган ДТМнинг миллий баҳолаш  
tizимида чет тили бўйича олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга  
ҳар ойлик қўшимча устама:

□ 2025 йил 1 январга қадар – уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз  
миқдорида;

□ 2025 йил 1 январдан бошлаб – уларнинг тариф ставкасига нисбатан 20 фоиз  
миқдорида тўланади;

ҳар ойлик қўшимча устама сертификат амал қилиш муддати давомида, лекин уч  
йилдан кўп бўлмаган вақт мобайнида тўланади;

умумтаълим фанлари бўйича бир нечта сертификатга эга бўлган педагог  
кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама фақат биттасига — юқорироқ устама олиш  
ҳуқуқини берувчи сертификат [бўйича тўланади](#).

2022-05-13 09:18:54